

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2024 йил сентябрь ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи қилувчи туман судининг судьяси З.Матусмонов, судья ёрдамчиси Ф.Халиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Фурқат туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Хотамов, судланувчи [REDACTED], унинг ҳимоячиси - адвокат М.Рўзиеванинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан Ахмедов Улуғбек Аъзамовичга нисбатан 1-1519-2402/[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўрди.

[REDACTED], [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, II гуруҳ ногирони, Фурқат тумани, [REDACTED] яшайди, иш бўйича 2024 йил 22 августда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 28 август куни олган,

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиб, тарафларнинг музокараси, судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Судланувчи [REDACTED] 2024 йилнинг баҳорида ўз яшаш уйи томорқасига каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, униб чиққан ниҳолни 2024 йил 12 август кунига қадар парваришлаб келган.

2024 йил 12 август куни соат 11-00лар чамасида Фурқат тумани ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир доирасида судланувчи [REDACTED]нинг яшаш хонадони кўздан кечирилганда [REDACTED] ўз томорқасининг 4х6 метр қисмида 1 туп, 4х6 метр қисмида 2 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда парваришлаб келаётгани аниқланиб, ўсимлик холислар иштирокида, белгиланган тартибда далилий ашё тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2024 йил 13 август кунги № 237-сонли хулосасида, [REDACTED]нинг яшаш хонадони томорқасидан далилий ашё тариқасида олинган каннабис гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик намунаси таркибида “тетрагидроканнабинол” гиёҳвандлик моддаси



мавжуд бўлиб, бу ўсимлик “каннабис ўсимлиги” деб аталувчи гиёҳванд ўсимликлар туркумига кириши кўрсатилган.

Фурқат тумани ўсимликлар карантини ва ҳимоя қилиш ташкилотининг 2024 йил 12 август кунги хулосасида, [REDACTED]нинг яшаш хонадонидан аниқланган 3 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимлигига агротехник ишлов берилгани ва парваришлангани кўрсатилган.

Судга оид наркология экспертизасининг 2024 йил 20 август кунги № 444-сонли далолатномасида, [REDACTED]да 2-босқичдаги гиёҳванд моддаларга тобалик касаллиги аниқлангани, гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга муҳтожлиги, лекин унинг соматик касаллиги сабабли II гуруҳ ногирони ногирони бўлгани учун мажбурий даволаш чораси қўллашга монелик қилиши кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] судда, ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатан ҳам [REDACTED]да оила аъзолари билан бирга яшаб келишини, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ружу қўймаган бўлса-да, қанд касаллиги билан оғригани сабабли қонидан қанд моддаси кўпайиб кетган вақтида оила аъзоларига билдирмасдан наша чекиб туришини, шу сабабли ўз истеъмоли учун 2024 йил баҳорида томорқасида униб чиққан 3 туп ўсимликни тагини юмшатиб, суғориб парваришлаб келганини, турмуш ўртоғи ўқитувчи бўлгани сабабли томорқа ишларига аралашмаслигини, шунинг учун томорқада гиёҳвандлик ўсимлиги парваришлаётганини оила аъзоларидан ҳеч ким билмаганини, 2024 йил 12 август куни эрталаб соат 11-00лар чамасида яшаш уйига ИИБ ходимлари келишиб, хонадони томорқасини холислар иштирокида кўздан кечириб, у парваришлаб келаётган 3 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини аниқлашганини, шундан сўнг белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини, ИИБ ходимлари холислар ва агроном иштирокида томорқасида ўсимликни таг қисми билан юлиб олишиб, ундан экспертиза учун намуна олишиб, қолган қисмини ҳовлисида ёқиб юборишганини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигини, оилавий шароити оғирлигини, II гуруҳ ногирони эканини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳақиқатан ҳам судланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи бўлишини, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан [REDACTED]да яшаб келишини, ўзи ўқитувчи бўлгани, кўп вақти мактабда ўтгани сабабли томорқа ишларига аралашмаслигини, 2024 йил 12 август куни ишдан келганида уйига ИИБ ходимлари келишиб, томорқаларида 3 туп наша гиёҳвандлик ўсимлиги парваришланаётганини аниқлашганини билганини, турмуш ўртоғи [REDACTED] наша гиёҳвандлик моддаси чекиб туришини билмаганини, лекин қанд касалига чалингани сабабли турли ҳил дори воситаларини истеъмол қилиб келганини, ҳозирда у II гуруҳ ногирони эканини, оилавий шароити оғирлигини баён қилди.



Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 12 август куни соат 11-00лар чамасида ўз яшаш уйида ўтирганида ИИБ ходимлари чақиришиб, унга қўшниси [REDACTED] ни яшаш хонадонида ўтказилаётган текширишда ҳолис сифатида қатнашиб беришини сўрашганида рози бўлганлигини, шундан сўнг яна бир қўшниси [REDACTED] билан ҳолис сифатида ИИБ ходимлари билан бирга [REDACTED] нинг яшаш хонадонига киришганини, тинтув давомида [REDACTED] нинг яшаш хонадони томорқаси кўздан кечирилганда, томорқанинг иккита қисмида 3 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик парваришланаётгани аниқланиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, далилий ашё тариқасида олинган, тузилган ҳужжатларга ҳолис сифатида имзо қўйганлигини, ўсимликлар юлиб олиниб, улардан экспертиза учун намуналар олингач, қолган қисми ҳовлида ёқиш йўли билан йўқ қилинганини билдириб кўрсатув берди.

Суд, [REDACTED] нинг жиноят содир этганликдаги айби ўзининг ва гувоҳларнинг суддаги кўрсатувларидан ташқари, билдирги, томорқа ер майдонини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, тушунтириш хатлари, мутахасис хулосаси, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, судга оид наркологиya экспертизаси хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди. Чунки, судланувчи [REDACTED] ўз хонадони томорқасида 3 туп таъқиқланган каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда экиб, парваришлаб етиштириб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган

Суд [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандидаги, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини инобатга олиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, II гуруҳ ногирони, муқаддам судланмаганини, 2 нафар фарзандлари борлигини, оилавий шароити оғирлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, судга оид наркологиya экспертизасининг 2024 йил 20 август кунги № 444-сонли далолатномасида, [REDACTED] да 2-босқичдаги гиёҳванд моддаларга тобелик касаллиги аниқлангани, гиёҳвандликдан



мажбурий даволанишга муҳтожлиги, лекин унинг соматик касаллиги сабабли II гуруҳ ногирони ногирони бўлгани учун мажбурий даволаш чораси қўллашга монелик қилиши кўрсатилганини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 96-моддасига асосан мажбурий тартибда даволаш чоралари қўлламасликни лозим топади.

Суд жиноят иши бўйича олинган далилий ашёларнинг юридик тақдирини муҳокама қилиб, иш хужжатларида сақланаётган 1 дона DVD диск жиноят иши хужжатида қолдиришни, каннабис гиёҳвандлик ўсимлиги намунасини экспертиза тадқиқоти учун ишлатилгани инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларига амал қилиб, суд

### х у к м қ и л а д и :

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи га Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан билан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида 8.500.000 (саккиз миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилиниб, Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотекабанк” АТИБ Фарғона шаҳар филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 7.000.000 сўм пуллар гаровга кўювчи га қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича далилий ашё тарикасида олинган 1 дона DVD диск жиноят иши хужжатида қолдирилсин, каннабис гиёҳвандлик ўсимлиги намунаси экспертиза тадқиқоти учун ишлатилгани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нухасини олган кунидан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ва прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

ИМЗО

З.Матусмонов

Ҳукм нухаси аслига тўғри деб,

Жиноят ишлари бўйича

Фурқат туман судининг судьяси

З.Матусмонов

